

Қарз олди-берди муомаласи

16:47 / 21.04.2017 9509

Қарз олди-берди муомаласи

Қарз олди-бердиси жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлардан биридир. Инсон ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби, динимизда бу борадаги барча йўл-йўриқлар ҳам мукамал ва чиройли баён қилиб берилган. Аллоҳ таоло Ўзининг Каломи – Қуръони каримдаги энг узун ояти каримани айнан шу масалага атаб нозил қилган. Замонамиз уламоларидан машҳур муфассир Ваҳба Зухайлий ўзининг «Тафсирул Мунир» асарида бу ҳақда шундай дейди:

«Қуръони каримдаги энг узун оятнинг қарз олди-бердисига бағишланиши, молиявий ҳукмнинг баён қилиниши Аллоҳнинг наздида мол-дунёнинг таҳқир қилинишини эмас, балки унинг ҳурмати нақадар баландлигини кўрсатади».

Дарҳақиқат, шундай. Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасига беҳисоб ризқ берса, хоҳлаган бандасини етишмовчилик билан, молиявий муаммолар билан синайди. Шунинг учун кишилиқ жамиятини қарз олди-бердисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Қуш тирикчилик қилиши учун қанот қоқишга мажбур бўлганидек, ризқ топиш, мол-дунёни қўлга киритиши учун инсондан ҳам маълум бир саъй-ҳаракатлар талаб этилади. Уларнинг машруъ йўлларини белгилаб бериш эса диннинг вазифасидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда мол-дунё топиш, тирикчилик қилиш учун ҳаракат қилиш лозимлиги ҳақида кўпгина оятлар нозил қилган:

أَشَاعِمَ رَأَهُنَّ لَأَنْ لَعَجَوْ

«Ва кундузни тирикчилик қилиб қўйдик» (Набаъ сураси, 11-оят).

لَللِّصَّافِ نَمِ أَوْعَتْ بَأَوْضَرَّ أَلِ يَفِ أَوْرَشَتَ نَأَفُ ءَالِ صِلِ تَيَّ صُقِ إِذِ فِ
نُوحِ لُفُتْ مُكَّ لَعَجِ أَرِي تَكَ ءَلِ لَأِ أَوْزُكُذَاوِ

«Намоз тугаганидан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилинг. Шоядки, зафар топсангиз» (Жумъа сураси, 10-оят).

ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг. Мана шу Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, гувоҳликка кучлироқ ва шубҳаланмаслигингиз учун яқинроқдир. Аммо ораларингизда юриб турган нақд савдо бўлса, ёзмасангиз ҳам сизга гуноҳ йўқ. Олди-сотди қилганингизда гувоҳ келтиринг, котиб ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин. Агар (аксини) қилсангиз, албатта, бу фосиқлигингиздир. Аллоҳга тақво қилинглари, Аллоҳ сизга илм берур. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зотдир»

Қуръоний услубга кўра, ғоятда муҳим қонун-қоидаларни баён қилишдан олдин бу илоҳий кўрсатмалар кимлар учун мўлжалланганлиги айтилмоқда:

«Эй иймон келтирганлар!».

«Маълум муддатга қарз олди-берди қилсангиз, уни ёзиб қўйинглари».

Маълумки, бугунги кунда молиявий муомалаларга оид барча муҳим ишлар нотариал идоралар томонидан гувоҳлар ҳузурида ёзиб, расмийлаштирилсагина қонуний кучга эга бўлади. Шундай қилинса, ҳеч ким норози бўлмайди, ҳеч кимнинг ҳаққига тажовуз қилинмайди. Қуръони карим эса бундан ўн беш аср олдин бу қоидани гўзал ва мукамал тарзда, ҳеч бир тўлдиришга ўрин қолдирмай баён қилиб берган.

«Орангизда бир котиб уни адолат билан ёзсин».

Демак, қарз ҳақидаги тилхатни қарз бераётган одам ҳам, олаётган одам ҳам ёзмайди. Буни бетараф, холис одам – котиб ёзсин. Таомил шундай.

«Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдирганидек қилиб ёзишдан бош тортмасин».

Афсуски, ушбу илоҳий қонундан узоқлашилгани боис, бугунги кунда қарзни вақтида адо этмаслик биз учун одатий ҳол бўлиб қолган. Қаерга қараманг, жуда кўплаб низолар, уруш-жанжаллар, қариндош-уруғ, дўст-ёрлар орасининг бузилиши, ҳатто оғир жиноятлар қарз муаммоларидан келиб чиқмоқда. Ақл бовар қилмас даражадаги катта қарзлар бир неча йиллардан бери тўланмаган. Кимдир қарз берган, кимдир олган, аммо қуруқ сўзга ишониб, ялиниб-ёлворганига раҳми келиб, на гувоҳ чақирилмаган, на кимдир бирон нарса ёзган. Энди эса омонатга хиёнат юзага келади – қарз берувчи талаб қилади, олувчи бермайди. Мабодо кимдир ўртага тушган бўлса, қарзини қайтариб ололмаган одам жон

аччиғида унинг ўзига ёпишяпти, яхшилик қиламан деган одам балога қолиб кетяпти. Шунинг учун кўпинча одамлар бундай ғалвали масалага аралашидан, ўртага тушишдан ўзларини олиб қочадилар. Аммо Аллоҳ таолонинг Ўзи бунга чақиряпти. Бир киши гувоҳликка чақирилса, Аллоҳ билдирганидек ёзишдан бош тортмасин, чунки бу савоб иш, Аллоҳ буюрган иш.

«У ёзсин, ҳақ зиммасига тушган киши эса айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарсани камайтирмасин»

Қарз берувчи эмас, балки ҳақ зиммасига тушган киши, яъни қарз олаётган одам «Мен, Фалончи, Фалончидан фалон миқдордаги пулни фалон муддатга фалон шартлар билан Фалончининг гувоҳлигида оляпман», деб айтиб турсин. Айтиб турган одам Аллоҳга тақво қилсин, бирон нарсани камайтирмасин, яширмасин, қарз олувчини, гувоҳларни алдамасин.

Қуръоннинг мўъжизалиги, динимизнинг адолати шундаки, айтиб туриш қарз берувчига эмас, олувчига юкланяпти. Бу айтиш адолатдир, чунки ёзиш қарз берувчига юкланса, у ўз фойдасини кўзлаши, шартномага ўзига манфаатли бирор ўзгариш киритиши мумкин. Қарз олувчи эса мушкул аҳволда турибди. У қарз берувчидан пулни тезроқ олиб, ишимни ҳал қилай деган мақсадда ёлғон аралаштирмасдан, тўғриси айтилади. Қарз берувчининг талабига рози бўлган одам ёлғон гапириши, ўз фойдасини кўзлаши мумкин эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло айтиб туришни унинг зиммасига юкламоқда.

Аммо шу ўринда бир нарсани яхши билиб олайлик. Қарз ҳаммага ҳам берилмайдими. Олган қарзини узишга кўзи етмаса, аввал ҳам бировлардан қарз олиб, уза олмаган ёки узишни кечиктириб юрган масъулиятсиз, субутсиз одам бўлса, бундай одамга қарз берилмайдими. Ваҳоланки, қарз бераётган одам ўзининг фойдасини кўзламайдими, балки мушкул аҳволга тушган одамни бу ҳолатдан чиқаришга, қийналган одамга кўмак беришга ҳаракат қилади.

Қуръони Каримнинг яна бир юксак адолати шуки, **«Агар ҳақ зиммасига тушган киши эсипаст, заиф ёки айтиб тура олмайдиган бўлса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин».**

Қарз олаётган одам ҳисоб-китоб ишларини, нарх-навони яхши тушунмаса ёки заиф, яъни ёши кичик, кексайиб қолган, оғир касал бўлса, ёки гапира олмаса ёхуд бошқа жиддий, узрли нуқсонлар туфайли айтиб тура олмаса,

унинг валийси адолат билан айтиб турсин. Валийлар бошқа ишларда ҳам ўз қарамоғидагиларнинг масъулиятини зиммага оладилар.

«Эркакларингиздан икки кишини гувоҳ қилинг».

Табиийки, гувоҳликка адолатли, гувоҳлиги қабул қилинадиган, инсофдиёнатли кишилар чақирилади.

«Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин, икковидан (аёллардан) бири адашса, бири бошқасининг эсига солади».

Динимизда бир эркакнинг гувоҳлигига иккита аёлнинг гувоҳлиги тенг қилинади. Шунинг учун бу каби ўринларда иккита эркак гувоҳ топилмаса, бир эркак ва иккита аёлнинг гувоҳлиги жоиз дейилган.

Мана шу жумла динимиз душманларининг «Ислом аёл кишини тўлиқ одам ўрнида кўрмайди, шунинг учун гувоҳликка бир эркакка икки аёлни тенглаштиради», деган даъволарига сабаб бўлган. Ваҳоланки, динимизда баъзан мингта эркакнинг гувоҳлиги ўтмаса-да, биргина аёлнинг гувоҳлиги ўтадиган ўринлар ҳам бор. Эмизиш, туғиш ва идда масаласида бирорта эркакнинг гувоҳлиги ўтмайди. Бир беванинг иддаси ҳақида бир томонда мингта эркак, бир томонда эса битта аёл гувоҳлик берса, мана шу аёлнинг гувоҳлиги олинади. Динимиз душманлари эса буни эшитган бўлсалар ҳам, ўзларини эшитмаганга солишади.

Аслида гувоҳликка икки аёл шарт қилинишида бир олам ҳикматлар бор. Аввало, динимизда аёллар ниҳоятда эҳтиром қилинади, уларни фақат ўзларига мос, муносиб ишлар таклиф қилинади. Аёл онадир, латиф, назокатли, заиф бир хилқатдир. Қолаверса, Исломда иқтисодий таъминот ҳам, молиявий олди-бердилар ҳам фақат эркакларнинг зиммасига юклатилган. Ислом дини аёл киши бу ташвишлардан мутлақо озод бўлсин, моддий муаммоларни эркак ҳал қилсин, дейди. Шунингдек, аёл киши номаҳрам эркаклар билан холи қолдирилмайди, шунинг учун юқоридаги каби зарурат юзасидан, қонун тақозоси билан гувоҳлик қилиши керак бўлиб қолса, ҳеч бўлмаса бир дугонаси билан боради. Қолаверса, аёлнинг нозик кўнгли қарз олди-бердисида юзага келиши мумкин бўлган тортишувларда, жанжалларда тескари натижа бериб қўйиши, ҳаяжонланиб, аёллигига бориб, баъзи нарсаларни унутиб қўйиши ҳам мумкин, шунда бир-бирига эслатиб, далда бўлиб туриш учун ҳам гувоҳликка иккита аёл киши олинади. Шунинг учун оятда «икки эр киши

бўлмаса» деб шарт қўйилмоқда.

«Чақирилган вақтда гувоҳлар бош тортмасинлар».

Қарз масаласи ниҳоятда серғалва иш бўлиб қолгани учун кўпинча ўртага тушишдан қўрқамиз, айниқса, пул олди-бердисида гувоҳ бўлишни истамаймиз. Гувоҳликка чақиришса, баҳона топиб, ўзимизни олиб қочишга уринамиз. Лекин Аллоҳ таоло бундай қилиш дуруст эмаслигини, гувоҳликка чақирилганда бош тортмаслик лозимлигини таъкидламоқда. Келиб, гувоҳликка ўтсинлар. Имом Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалату вассалом: «Сизларга энг яхши гувоҳ кимлигини айтиб берайми? Гувоҳлиги сўралмай туриб гувоҳлик берадиганлардир», деганлар. Яна бир ҳадисда «Ким биродарининг ҳожатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилади», деганлар.

«Кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг».

«Шу арзимаган пулни ҳам ёзамизми», деб беписандлик қилиш, «Кейин ёзиб қўярман», деб масъулиятсизлик қилиш, бирор яқинимиз, дўстимиз, танишимиз қарз сўраб келса, «Шуни ёзиб қўяйлик» деса, хижолат бўлиб ёзмаслик мумкин эмас экан. Аллоҳ таоло «ёзишни малол олманг», деяпти. «Катта»дан олдин «кичик»ни зикр қиляпти. Нима учун? Аллоҳ таоло инсон табиатини яхши билади: озгина нарсани ёзиб ўтираманми, деб эриниши ёки бу нарса унга эриш туюлиши мумкин. Лекин мана шу озгина нарса сабабли эртага энг яқин дўстлар душманга айланиб қолиши, яқинлар юзкўрмас бўлиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Бугунги кунимиз бунга ёрқин мисол. Ана шу нарсаларнинг олдини олиш учун Аллоҳ таоло қарз олди-бердисининг миқдорини ҳам, муддатини ҳам эринмай ёзиб қўйишга буюряпти.

«Мана шу Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, гувоҳликка кучлироқ ва шубҳаланмаслигингиз учун яқинроқдир».

Оғзаки гувоҳликдан кўра ёзма гувоҳлик кучлироқ бўлади, ўртага низо тушмайди. Ислом – тинчлик динидир, орани ислоҳ қилиш, меҳр-оқибат кўрсатиш динидир. Ислом ҳар бир нарсада тичлик йўлини кўзлайди, жумладан, қарз олди-берди муносабатларида ҳам. Ака-ука арзимас пулни деб, эртага юзкўрмас бўлиб кетмасин, хиёнат бўлиб, дўстлар орасига адоват тушмасинлар деган мақсадда динимиз ҳаммага баб-баробар ёзишни буюряпти. Шундай қилсак, шубҳадан йироқ бўламиз. Қалбда пайдо

Лекин «Бойга бало урармиди, топганда бераман-да» деб олса, Аллоҳ таоло унинг ўзини йўқ қилади.

Ҳаётда бундай ҳолатга кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Одамларни алдаб, ишончига кириб, найранг йўли билан пул олишни касб қилганларнинг бало-офатларга йўлиқиб, йўқ бўлиб кетаётгани мазкур ҳадиси шарифнинг исботидир.

﴿يُرَاخُ بِلْهَآوَرٍ مُّطَيَّرٍ لِّلْغَنِّ لِمَطْمٍ لِّقَاقِ رِّيِّ بِنِّ لِّلْأَنِّ، تَءَرَّيْرُهُ رِيَّ بَأَنَّ﴾

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бойнинг (зиммасидаги ҳақни) бермай юриши зулмдир», деганлар.

Бухорий ривоят қилган.

Имконияти бор одамнинг зиммасидаги қарзни бермай юриши зулмдир. Бундай одам ўзига ҳам, қарз берувчига ҳам зулм қилади. Ҳақдор пулини ўз вақтида ололмай, зулмга учрайди. Ўзи эса бу иши билан гуноҳга ботиб, ўзига зулм қилади. Бундайларнинг адабини бериб қўйиш, қолганларни уларнинг кирдикоридан огоҳлантириб қўйиш керак:

﴿تَبَّ وَوُقُوعُهُ وَهُضْرُهُ لِحُجِّي دِحْ أَوْلَايَ لِيُئِئاسِّنْ لِّلْأَوْدَمِّ حَآوِيَّ رَاخُ بِنِّ لِّلْوِ﴾

Имом Бухорий, Аҳмад ва Насайлар қилган ривоятда «Топганнинг бўйин товлаши унинг обрўсини **тўкишни** ва уқубатини ҳалол қилади», дейилган.

Аслида динимиз таълимотида бировнинг шаънини ерга уриш, ҳақорат қилиш, обрўсини тўкиш, азоб бериш, калтаклаш ҳаром. Аммо қарздор одам имкон топганидан кейин ҳам қарзини бермай юрса, унинг обрўсини тўкиш, унга нисбатан чора кўриш ҳалол бўлади. Бу динимизда ўз ўрнида баён қилинган ҳукмдир. Давлатимизнинг қонунчилигида эса бундай жиноятларга нисбатан тегишли жазолар белгилаб қўйилган.

Аmmo қарз олган одам ночор аҳволга тушиб қолган бўлса, қашшоқ, камбағал бўлса, қарзини қайтаришга мутлақо имкони бўлмаса, нима қилиш керак? Бу ҳолатда қандай йўл тутиш кераклигини ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи ўргатади:

﴿مُتْنُكَ إِنَّمَا كَلَّ زِيحٌ أَوْ قَدَمَتْنَا أَوْ رَسْمِيَّ لِيْلِ رَطْنَفِي رَسْعٌ وَذَنَّاكَ إِنَّا
نَوْمَلَعَت

**Тошкент Ислон Институти ўқитувчиси,
«Мирза Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби**

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ

тайёрлади

Фойдаланилган адабиётлар:

- Қуръони Карим.
- Ваҳба Зухайлий. «Тафсирул Мунир фил ақийдати ваш-шарийъати вал манҳаж». Дорул фикр. Дорул фикрил-муъасир. Дамашқ. Байрут, 1418 ҳ.с./1998 м.с.
- Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. «Ал-Жомеъус-Саҳиҳ». Тошкент, 1973.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол». Тошкент. «Шарқ», 2011.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт» туркуми, 11-жуз. Тошкент. «Шарқ», 2011.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Қарз ва унга боғлиқ масалалар». Тошкент. «Ҳилол-нашр», 2013.